

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(февраль 2019 йил)

Катта ўқитувчилар:

Даволаш факультетига қарашли “Патологик анатомия” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Коммунал ва меҳнат гигиенаси” кафедраси

Ассистентлар:

Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.
Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “ЛОР ва стоматология” кафедраси

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ – МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ олий таълим тизимидаги ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад ҳар бир мутахассисни тайёрлаш истиқболга қаратишга, ҳаёт талаб қилаётган ихтисосликларни кенгайтиришга, илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини муассамлаштиришга қаратилган.

Ҳозирда талабаларга турли-туман билимлар тўпланадиган объект, яъни фақат билимдон мутахассис деб эмас, балки, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан баркамол фазилатларни ўзлаштирувчи инсон деб қаралади. Бугунги талаба – эртанги мутахассис. Жамиятимиз тараққиёти, иқтисодий ривожланиши тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари олдида ҳам юқоридаги мақсадларни амалга оширишда бир қатор вазифаларни бажаришни кўймоқда, бу вазифаларни тўғри ҳал этишда тиббиёт олий ўқув юртлари педагог-мураббийларнинг ҳам ўрни ва масъулияти катта.

Шу мақсадда янги бошланган 2019 йилнинг 5 январь куни Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги лицейнинг мажлислар залида “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Уни Тошкент Тиббиёт академияси ёшлар билан ишлаш проректори Т.Бобомуратов кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни анжуман дастури ҳамда кун тартибда кўриладиган асосий масалалар билан таништирди. Сўнгра Республика Маънавият-маърифат маркази Миллий ғоя ва мафкура тадқиқотларини ташкил қилиш бўлими мутахассиси Ўзбекистон Ф.Тўраев Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида таълим ва соғлиқни сақлаш тизими олдида турган вазифалар, Чирчиқ давлат педагогика институти ёшлар билан ишлаш проректори Б.Хусанов “Нотиклик санъатининг таълим-тарбия бериш ва бошқарув жараёнларидаги аҳамияти”, ТТА ижтимоий фанлар кафедраси доценти Н.Ниёзова “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциянинг 26 йиллигига бағишланган маърузаси асосида тиббий педагогика факультети 505-гуруҳ мураббийи Ш.Қодирова “Талабаларнинг касбга тайёрларлигида педагог-мураббийларнинг роли ва инновацион ғояларнинг аҳамияти” ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси ёшлар билан ишлаш

проректори Т.Бобомуратов “Тошкент Тиббиёт академияси жамоасининг “2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да олдида кўйилган вазифалари ҳақида” каби мавзуларда қизиқарли маърузалар қилишди. Маърузачилар ўз чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида баён этилган асосий вазифалар, жумладан, уларнинг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришдаги бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида, нотиклик санъатининг ўзига хос хусусиятлари, маърузаларни баён этишдаги ижобий ва заиф томонлар, жамиятда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги жараёнлар ўз-ўзидан замонавий билимга эга, одобли, илмли, баркамол шижоатли ёшларни тарбиялашга, танлаган касбига нисбатан муносабатини шакллантиришга ўз таъсирини кўрсатишига, бу борада Ёшлар иттифоқининг ҳам масъулияти борлигига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, билимдон, ўз касбига масъулият билан ёндашадиган шифокорларни тайёрлашда профессор-ўқитувчи-педагог-мураббийлар олдида ечимини кутаётган бир қатор муаммолар таҳлил қилинди, инновацион ғояларнинг талабаларни касбга тайёрлашда аҳамияти таъкидланиб, академияда ўқув-тарбиявий жараёни яхшилашда замон талабидан келиб чиққан ҳолда доимо педагогик – инновацион изланишда бўлиш зарурлигини, талабаларнинг мунтазам равишда қизиқишларини, ижодий, шахсий қобилиятларини, маънавий салоҳиятини, кадриятларга муносабатини, танлаган касбларига нисбатан муносабатларини, талабанинг ҳаётий позициясидаги фаоллигини ўрганиш жамиятимиз тараққиётининг ривожланиши тақозо этаётганлиги яна бир бор таъкидланиб, эътироф этилди.

Зеро, профессор И.Я.Конфедератов айтганидек “Талабани фақат билиш учун ўқитиш эмас, балки асосий – ишлашни билиш учун ҳам ўқитиш керак. Шаксиз, ушбу кўникма ўқитишнинг асосий мақсади ҳисобланади, билим эса бу йўлда ташланган қадамдир”.

Шахноза ХОДЖАНОВА,
2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI № 1 2019 YIL 22 YANVAR

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври таълим тизимида мавжуд горизонтал ва вертикал муносабатларнинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Таълим соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тасвирловчи “таълим хизмати бозори”, “рақобатбардошлик”, “мижоз” деган тушунчалар пайдо бўлди.

Айни пайтда, таълимга, ташкилий, иқтисодий, педагогик, услубий ва технологик қайта жиҳозлашга янги ёндашувлар талаб қилинмоқда. Шунинг учун таълим тизими фаолиятини тубдан янги шаклларда барпо қилиш учун, мамлакатдаги таълим муассасаси ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига асосланган таълим ривожланишининг стратегиясини лойиҳалаштиришга, таълим хизмати бозорининг динамикасига эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг самарали усуллари билан бири илмий ва инновацион ёндашувга асосланган анъанавий ва глобал тенденциялар энг яхши тажрибалар ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ижтимоий соҳага, хусусан, таълим, кадрлар тайёрлаш соҳасига катта эътибор қаратилиб, узлуксиз таълим тизимида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.



ВАТАНПАРВАРЛИК – ЮКСАК ИШОНЧ ВА САДОҚАТ РАМЗИ

Ватанпарварлик — бу кишиларнинг она юртига, ўз ошёнига муҳаббати ва садоқатини ифода қилади. Ватанпарварлик барча кишилар, халқлар, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозирги билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Тарихдан маълумки, Хоразмшоҳлар давлатининг маркази бўлган Хивага Чингизхон босқини даврида машҳур тасаввуф олим буюк аждодимиз Нажмиддин Куброга қамал

вақтида шаҳарни тарк этиш ва унга мўғуллар томонидан ҳеч қандай жабр етказилмаслиги айтилганда, Кубро ватанини тарк этмайди. Ҳаттоки 76 ёшида бўлса ҳам жангда қатнашиб туғ (байроқ) тутган мўғул аскарига ташланиб ҳалок бўлади. Унинг ватанпарварлик туйғусини шу даврнинг буюк фарзанди Жалолиддин Мангуберди тимсолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзи тугилиб вояга етган ватани учун бир неча маротаба мўғуллар билан жангларга кириб уларни мағлубиятга учратади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда аждодларга муносиб авлод бўлиш, ёшларни ҳар томонлама маънан етук бўлишлари, ватанпарварлик туйғулари юксак бўлиши учун кенг ишлар олиб борилди. Чунки ёшлар – бизнинг келажакимиз.

(Давоми 2-бетда.)

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun mu'ul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



Сабринг саодати элга қўшгайдир,
Муҳаббат кўнгилни гулга қўшгайдир.





Шоир ўзининг "Муҳокаматул-луғатайн" асарида ҳар бир тилнинг ўзига хос сўз бойлиги борлигини эслатиб ўтади ва ўз замонасининг нуфузли тилларидан ўзбек тилининг қолишмаслигини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан

АЛИШЕР НАВОЙИ НУТҚ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

Ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий тилининг ҳомийси бўлган буюк шоир Алишер Навоий туркий тилда гўзал нутқ тузишнинг байроқдори сифатида ўзининг бутун ижоди билан ўзбек тилининг бойлигини намоён этди.

исботлайди. Навоийнинг "Муҳокаматул-луғатайн", "Маҳбул-қулуб", "Назм-жавоҳир" асарлари ўзбек тилидаги нутқ кўринишининг гўзал намуналари борлигини намоёни қилиши билан бирга, унинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди.

Навоий тўғри, қисқа, лўнда, ёқимли, мантқиқли, тушунарли, умуман, аниқ ва таъсирли нутқ ҳақида ўзининг барча асарларида ҳам ажойиб фикрларни айтиб ўтган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мусулмон шарқи маданиятининг салмоқли зарварақларини ташкил қилувчи нотиклик санъати тарихига оид талайгина манбалар бор бўлса-да, уларнинг ҳеч бири Алишер Навоий қолдирган

мерос каби қимматли ва бой эмас. Алишер Навоий ўз даврининг буюк мутафаккири, сўз устаси бўлиш билан бирга кишиларга яхши сўз билан таъсир эта билиш санъатини жуда ҳам қадрловчи, бундай санъат усталарига эътибор қилиб, эҳтиром кўрсатувчи улуғ бир шахс бўлган эди. Навоий омма ўртасида яхши нутқнинг таъсири ва тарбиясини ҳам чуқур ҳис этади. Нотикликдаги яхши ва ёмон томонларни кўра билиш ва уларни фарқлай олишга қақиради. Масалан:

Тўти-ю шорик агар нотикдурур,
Ҳар бирига ўзга бир мантқиқдурур.

(Давоми 3-бетда.)

ВАТАНПАРВАРЛИК – ЮКСАК ИШОНЧ ВА САДОҚАТ РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда.) Бу соҳадаги давлат сиёсатини янада чуқурлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бу дастур доирасида ҳам асосий масала бу ёшлар қалбини оммавий маданиятдан холи, юртга садоқат, ватанга муҳаббат, ҳарбий салоҳиятга эга, жамиятнинг ҳар қандай тизимларида ўзининг ўрни ва бошқарув салоҳиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш ҳар томонлама муҳим дейилади. Ҳар бир баркамол инсон ватан камолоти ва истиқболи, эл-юртининг озодлиги ва мустақиллиги гуллаб-яшнаши учун ҳамма нарсани, ҳатто ширин жонини ҳам аямайди. Бу ҳақда мавлоно Фузулийнинг "Менинг битта ҳаётим бор, бордию мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини ватан учун сарфлаган бўлур эдим", деб айтган сўзлари ҳар биримиз учун бебаҳо ўғитдир. Инсон учун на давлат ва салтанат, на тожу тахт, ҳеч бир нарса Ватанга, эл-юрт меҳрига тенг келолмайди.

Ватанпарварлик бутун миллатнинг эртанги куни, унинг тараққиёти ва ривожланиш йўлини ҳар томонлама мустаҳкамлашга кенг асос яратиб беради. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 4 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий



хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам айна йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодадир.

Ш.ИСКАНДАРОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси
Ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси



ТИНЧЛИКПАРВАР ХАЛҚНИНГ БАЙРАМИ

Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Миромонович Мирзиёевнинг 2018 йил 13 декабрь кунги "Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 27 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги ПФ-5413 сонли фармойиши билан белгиланган 2018 йил 14 декабрдан 2019 йил 15 январгача белгиланган Ватанпарварлик ойлигида фаол иштирок этиб, юқори қўмондонлик томонидан бириктирилган Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган бир қатор мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва касб-хунар таълими муассасаларида "Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир" шiori остида "Мардлик ва жасорат" дарслари, "Мен ватан ҳимоячисиман" мавзусида учрашувлар, семинар машғулотлари ўтказди.

Жумладан, Олмазор туманида жойлашган 16, 46, 111, 119, 134, 159, 165-сонли ўрта

таълим мактабларига, Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи, Олмазор политехника касб-хунар коллежи, Олмазор энгил саноат касб-хунар коллежи, 4 ва 120-сонли мактабгача таълим муассасаларига, Тошкент Тиббиёт академияси тиббиёт профилактика факультетига қарашли 8-сонли, 4-5-сонли талабалар турар жойларига ҳамда ўтган йилнинг 26 декабрь куни хайрия тадбири билан Республика онкология марказига ташриф буюришди. Ташриф давомида мактаб ўқувчилари ва академик лицей, коллеж талабаларига фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўрни ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрамининг фуқароларимиз ҳаётидаги тутган аҳамияти борасида иштирокчиларга сўзлаб беришди. Ватанпарварлик ойи юртимизнинг ҳар бир маҳалласида кўтаринки кайфиятда ўтди.

Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт

факультети раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ҳамда курсантлари ушбу Ватанпарварлик ойида уюшқоқлик билан ҳаракат қилиб, Ватаннинг фидойи фарзандлари эканликларини яққол намоёни этишди.

Президентимиз фармойишлари билан ишлаб чиқилган дастур тадбирлари "Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!" деган умумий ғоя остида амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, бундай эзгу ва хайрли тадбирлар ёш авлод ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, мамлакат келажаги учун фуқаролик масъулияти ҳиссини оширишга хизмат қилади. Фуқароларимиз қалбида миллий армиямиз билан фахрланиш, ғурурланиш туйғулари ортади. Тинчликпарвар миллатга, халққа хос байрам бўлди.

Д.САБИРОВ,
полковник
А.АСАДОВ,
подполковник



ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Албатта, ОТМнинг обрўсини шаклланишининг асосий механизми ўқитиш сифати ва таълим хизматлари сифатига боғлиқ. Истеъмолчи (таълим олувчи) кўрсатилган сифатли таълим хизматига унинг ижобий ўрнини шакллантиради.

Инновацион ривожланиш йўлига ўтиш миқёсида зарур аҳамиятга эга энг муҳим омил фақат техник ғояларни ишлаб чиқариш эмас, балки ички ва ташқи бозорларга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, уни амалга ошириш учун юқори малакали мутахассисларни илғор таълим муассасаларида ўқитишнинг лозимлигидир. Таълим соҳасидаги инновацион фаолият барқарор ривожланиш учун зарурий тизимли ёндашув элементи сифатида мавжуд бўлиши керак ва албатта, илмий-маърифий жамият томонидан қабул қилиниши шарт.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таълимда универсал инновациялар ҳам мавжуд, мисол учун, таълим тизимида турли компьютер дастурларидан муваффақиятли фойдаланиш бутун дунё бўйлаб амалга оширилган шундай инновациялар ҳам мавжудки, улар анча қийинчиликлар билан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда янги таълим парадигмасига мос келиш учун, ўзини мақсадли

равишда ижодий шахс сифатида шакллантиришни ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Инновацион таълим жараёнида ўқитувчи ва талаба позициясининг фаоллиги шундан иборат бўладики, уларнинг ҳар бири ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатининг бошқарув субъекти сифатида намоён бўлади. Умуман олганда бу жараёни талаба субъектининг шаклланиш жараёни деб аташ мумкин, чунки, бу талаба шахси ва унинг касбий-технологик маданияти бўйича таълим жараёнининг технологик ташкиллаш-тирилганлигининг натижасидир.

Таълим жараёнининг «инновацион» технологиялиги талабани нафақат ижтимоий-касбий билимлар билан таъминлайди, балки унда касбига хос сифатлар шаклланишига ҳам ёрдам беради. Таъкидлаш жоизки, таълим жараёнининг технологизацияси учта асосий мақсадларни ҳал қилади. Булар:

- Давлат манфаатларига мос ҳолда, талабани бўлажак мутахассис сифатида тайёрлайди;
- Талабани жамият аъзоси сифатида шакллантириб, ижтимоий тажриба ва қадриятларни, меъёрларни англаган, жамият манфаатлари билан ҳамроҳанг фаолият кўрсатувчи кадрни тайёрлайди;
- Талабани фаол, ташаббускор, мантиқан фикрловчи инди-

вид сифатида ривожлантиради.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлигининг ижтимоий ва касбий муҳим сифатлари, нафақат таълим муассасасидаги иқтисодий ва молиявий вазиятга, балки бевосита бу сифатларнинг талаб этилганлиги билан боғлиқдир. Касбий жиҳатдан муваффақиятли ўқитувчиларнинг малакалари ва касбий сифатлари замонавий олий таълимнинг асосий реал талабларидандир. Инноватор-педагоглар бугунги кун олий таълимнинг талаби бўлиб, касбий чўққиларга эришиш учун малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларида таълимни чуқурлаштириши зарур. Факультетларда профессор-ўқитувчилар инновацион фаолиятини кенг ёйиш, ёш ўқитувчиларга ўргатиш, интерфаол ўқитиш усуллари очиқ дарсларда намоён қилишлари зарур. Натижада ўқитувчилар ўз фаолиятларини баҳолашнинг янги усуллари топиш, касбига бўлган қарашларни ўзгартириш, педагогик ва ижодий қобилиятларини трансформация қилиш, яъни бошқаларга ўргатиш ҳамда ўқитувчиларда касбий функциялари тўғрисидаги тор тушунчаларнинг ўзгаришига олиб келади.

Ш.БАКИЕВА,
ОМХ факультети декани,
профессор

Тошкент Тиббиёт академиясининг ректорати ва касаба уюшмаси Тошкент Тиббиёт академиясининг 2-сон ички касалликлари кафедраси мудири, профессор Абдор Асрорович Хамраевнинг турмуш ўртоғи

Дилфузахон Абдужалилова ХАМРАЕВАНнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академиясининг ректорати ва касаба уюшмаси Тошкент Тиббиёт академиясининг бош муҳандиси

Алишер Қўчқорович ЭРГАШЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



АЛИШЕР НАВОИЙ НУТҚ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Жумладан, буюк бобомиз Алишер Навоий тил ва сўз инсонийликнинг асосий белгиси деб билади. Тилга, сўзга, нутққа ниҳоятда юксак баҳо беради. Навоий "сўз" тушунчасини икки маънода: сўз (тор маънода) ва сўзлашув нутқ (кенг маънода) сифатида қўллади. Баъзан сўзлашувни "такаллум", "алфоз" деб ҳам атаган. Чунончи, "Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидир", яъни сўзлашувдан мақсад маъно ифодасидир.

"Такаллум била кимса инсон эрур
Сўзи йўқ баҳойимга не сон эрур.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ андин".

Ёки, "Тил ва кўнгил хуброқ аъзодурлар инсонда... Одами тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонга сарафроз". Келтирилган сатрлардан англаш қийин эмаски, Навоий инсоннинг сўзлаш қобилияти, нутқи билан, унинг тириклик намунаси деб билади ва ҳайвондан фарқ қилувчи, ажралиб турувчи асосий белгиси сифатида қарайди. У сўз ва тилнинг инсон орасидаги алоқа воситаси эканлигини жуда аниқ тушунтира олган. Алишер Навоийнинг фикрича, тилдаги мавжуд сўзларнинг кенг миқёсида қўлланиши ёки чегараланганлиги ўша сўз маъносининг кенг истеъмол қилинишига боғлиқ. У тил ва сўзга нутқнинг манбаи деб қарайди. Навоий тил ва сўз бир-бири билан қандай боғлиқ бўлса, сўз билан фикр, шакл билан мазмун орасида ҳам узвий алоқа, муносабат борлигини таъкидлайди. Масалан:

Кўнгил маҳзаннинг қулфи тил,
Ул маҳзаннинг қалидин сўз бил.
"...сўздаги маъни жоне дурурким, сўз қолипи дурурким, жонсиз ва они топмоқ ишини киши билмас, балки ани топмоқ киши топилмас... маъни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фаҳм бўлур... маоний зеболарини тақорр либосида киюрбдурлар ул фархунда иборат ва ул ҳўжаста алфоз ва ишорат била воқе бўлутур".

Шоирнинг таърифича, сўз маънонинг кўркам либоси, нақшидир. Маъно эса сўзнинг жони, сўзга маъно бўлмаса, у жонсиз, керакисиз бўш қолигга ўхшаб қолади. Тил ва сўзнинг мезони фикр, маънодир деб билган.

Алишер Навоий ўз даврида тил ва тафаккур ёки тушунча, шунингдек, тил ва нутқни бир-бирдан биринчилардан бўлиб фарқлай олган. У нутқни ҳозирги биз тушунган термин билан атаган. Масалан:

Ҳар кимсаки нутқи фаровон бўлмас,
Тил ранжига қилмоқлиги имкон бўлмас.
Бунда Навоий "ҳар ким тилнинг ўзига хос хусусиятларини машаққат билан ўрганмас экан, унинг нутқи раво бўлмайди" деб, тил билан нутқнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам таъкидлаган.

Шоирнинг фикрича, сўздаги яширин маъноларни англаб ширинсуханликни ўзига хос шоир, одат қилиб олган кишининг сўзи, нутқи ҳамisha баҳор чечакларидек гўзал ва маъноли бўлади. Масалан:

Ҳар кимсаки сучук сўз демак шиоридадир,
Маъни гули нутқининг баҳоридадур...

Умуман, Навоийнинг тилшунослик соҳасидаги қарашларида тил ва тафаккур (тушунча), тил ва нутқ, тил ва сўздан фойдаланиш, тил ва инсон тушунчалари бўйича айрилган фикр-мулоҳазалар ҳамда назариялар етарли даражада мавжуд. Унинг меросида тил ва нутқ маданияти ҳақида ажойиб фикрлар айтилган. Фақат биз унинг меросини кенгроқ, атрофлича ўрганишимиз ва ҳозирги давр талаби асосида ўзлаштиришимиз лозим бўлади.

Акмал АСЛАНОВ,
Тиллар кафедрасининг катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

БОБУР ИЖОДИДА МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ



Амир Темурнинг набираси Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти эски Аҳси шаҳрида дунёга келган бўлиб, ҳаёт фаолияти давомида бир қанча асарлар ёзган. Жумладан, "Бобурнома" асари XV асрнинг охири XVI асрнинг биринчи ярмига оид асардир. "Бобурнома"да баён қилинган воқеалар содир бўлишининг ўрни ва вақтига кўра учта: Мовароуннаҳр (1494-1504), Афғонистон (1504-1524), Ҳиндистон (1525-1530)да Бобур ҳукмронлик қилган даврларга бўлинади.

Биринчи қисмида 12 ёшли Бобурнинг Фарғона тахтига ўтириши (1494)дан бошлаб, унинг отаси ва авлодлари, теурийлар ўртасида авж олган ўзаро урушлар (XV асрнинг 90 йиллари), Самарқанд тахти учун Шайбонийхонга қарши олиб борган жангу жадаллари (1497-1501) ва барча саъй-ҳаракатларининг беҳуда кетиб Қобулга юз тутишигача (1504) бўлган воқеалар ёритилади.

Иккинчи қисмида Қобулни забт этиб, бу ерда марказлашган давлат тузиш учун кураши, ички тартиб-интизом ўрнатиши, мамлакат тараққиёти ва ободончилиги учун олиб борган саъй-ҳаракатлари, Исмоил Сафавий билан иттифоқ тузиб, Самарқанд тахтини эгаллаши (1511), лекин Шайбонийлардан енгиллиб (1512), яна Қобулга қайтиши ва Ҳиндистон юришига тайёргарлик кўриши билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади.

Учинчи қисми Бобурнинг Панипат жангида (1526) Дехли султони Иброҳим Лудийини енгиб, Ҳиндистонни эгаллагани, Рана Сангани мағлубиятга учратиб, шимолий Ҳиндистонни ҳам ўзига бўйсундиргани (1527) ва Бобурийлар давлатини барпо этгани ҳақидаги маълумотлардан иборат.

Бобур ислом динига зўр эътиқод қўйган буюк зотдир. У энг аввало,

Аллоҳга, сўнгра Расули Муҳаммад алайҳиссаломга, чориёрларга ва исломият оламининг Пирри тариқатларига, валийларга чин дилдан ихлос қилган буюк инсондир.

Улардан астойдил мадад тилар, уларнинг маърифати ва марҳаматларига ноил бўлар эди. Бобур кўп дуоларни ёд билар ва мушкулларини дуолар кучи билан осон қиларди. У мусулмонликнинг беш фарзини адо этган. Рўза тутган, намоз ўқиган, закот берган, ҳалол яшаган, таҳорат билан юришга одатланган. Шоир асарларида унинг ислом динига бўлган эътиқоди кўзга яққол ташланади. Бу далиллар Бобур маърифатидир.

Бобур Мирзонинг ўз ўғли Ҳумоюнга ёзган махфий васиятида Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлақати турли мазҳаблардан иборат. Субҳонллоҳ таоло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳли подшоҳга яхши назар билан боғланади. Подшоҳ фармонида бўйсунган халқни хароб қилмагин. Адолатни ихтиёр қилгин. Шунда шох риятдан, рият шоҳдан хотиржам бўлади. Исломининг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхшироқдир, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг иқир-чиқирларидан кўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади.

Ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг иш юришлари доимо ёдинда бўлсин. Шунда давлатинг маъмури ва пухта бўлади. Биз етказиб қўямиз холос, деб ёзади.

Бобур ёшлигида Аҳси қалъаси деворида икки кишини қўлтиқлаб югургани ҳақида маълумот бор. Узининг ёзишича у бир неча марта турли дарёларни, ҳатто Ганг дарёсини кўндалангига сузиб ўтган, қаҳратон қишда муз сувда чўмилган, мардона қилич чопган ўта моҳир чавандоз ҳам бўлган.

Бобур Мирзо 1530 йилнинг 26 декабрида, Агра яқинидаги Чорбоғдаги саройда вафот этди. Қирқ етти йиллик умрининг 36 йилини ҳукмронликда, шундан 26 йилини Қобулда, 5 йилини Ҳиндистоннинг катта қисмида ўтказди. Бобур жасади Тож Маҳал рўпарасидаги Оромбоғга дафн этилади (у вақтда Боги Нурафшон дейилган).

Унинг васиятига кўра кўм-кўк майсазор билан ўралган булоқ жойлашган сўлим ва ўзи севган Қобул тепалигига қайта дафн этилган.

Д.НОРҚУЛОВ,
ТТА Ижтимоий фанлар кафедраси профессори



ТТА бўйича январь ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Ниезова Н.Ш.	27.01.1974	Ижтимоий фанлар кафедраси доценти
2	Абдуллаева Р.М.	05.01.1967	Тиллар кафедраси муdiri
3	Позднишева И.А.	11.01.1965	Тиллар кафедраси ўқитувчиси
4	Юлдашева Ф.У.	15.01.1964	Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси
5	Эшбоева К.У.	19.01.1982	Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш бошқариш кафедраси ассистенти
6	Бахриев И.И.	15.01.1965	Суд тиббиёти кафедраси муdiri
7	Мирпайзиева М.А.	29.01.1979	Аллергология клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси ассистенти
8	Алимухамедова М.П.	03.01.1946	Тиббий ва биологик кимё кафедраси доценти
9	Азизова Д.М.	11.01.1989	Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти
10	Махсудов В.Г.	14.01.1984	Информатика ва биофизика кафедраси ассистенти
11	Тухтаев К.Р.	14.01.1945	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси профессори
12	Садикова З.Ш.	20.01.1955	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси доценти
13	Гулманов И.Д.	31.01.1970	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчиси
14	Нурузова З.А.	14.01.1960	Микробиология вирусология ва иммунология кафедраси муdiri
15	Джурбаева З.Б.	25.01.1975	Микробиология вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти
16	Абдуллаев У.М.	24.01.1988	Микробиология вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти
17	Хахимов З.З.	30.01.1947	Фармакология кафедраси профессори
18	Бердиева Х.Х.	09.01.1990	Гематология трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
19	Авезова Г.С	07.01.1977	Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби доценти
20	Ташпулатова М.Н.	15.01.1984	Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси ассистенти
21	Ортиқов Б.Б.	16.01.1989	Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси ассистенти
22	Сайдалиходжаева Озада Замановна	13.01.1960	Нормал ва патологик физиология доценти
23	Кадирова Зумрат Хайруллаевна	12.01.1959	Нормал ва патологик физиология ассистенти
24	Турдиева Муассар Эрназаровна	25.12.1985	Психиатрия ва наркологиya кафедраси ассистенти
25	Сайдуллаев Алишер Насруллаевич	01.01.1969	Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси
26	Комилова Малоҳат Олимовна	24.01.1971	Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси
27	Рахманова Якут Расуловна	20.12.1974	Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси
28	Шарипов Улугбек Абдурахманович	19.01.1979	Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
29	Мирхамидова Наргиза Абдурахмон қизи	20.01.1991	Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
30	Арипова Нозима Аброровна	26.01.1989	2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
31	Нуруллоев Журобек Шавкидинович	23.01.1985	2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
32	Назиров Фарход	01.01.1950	2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси профессори
33	Матмуратов Сейилхан Куронбоевич	02.01.1974	2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси ассистенти
34	Аладова Людмила Юрьевна	18.01.1971	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
35	Анварова Екатерина Владимировна	31.01.1981	Фтизиатрия кафедраси ассистенти
36	Абдугаппаров Фазлхан Бахтиярович	20.01.1990	Фтизиатрия кафедраси ассистенти
37	Лян Екатерина Михайловна	26.01.1991	Психиатрия ва наркологиya кафедраси ассистенти
38	Атаханова Нигора Эргашевна	12.01.1962	Онкология кафедраси муdiri
39	Турсунова Нодира Исроиловна	08.01.1988	Онкология кафедраси ассистенти
40	Саидова Шахноза Ариповна	01.01.1961	Клиник фармакология кафедраси катта ўқитувчиси
41	Ашрапов Жамшид Рауфович	05.01.1981	Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейроразроҳлик кафедраси ассистенти
42	Югай Алберт Валентинович	01.01.1981	Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейроразроҳлик кафедраси ассистенти

43	Бобоев Бекзод Ахмадбек ўғли	17.01.1978	Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейроразроҳлик кафедраси ассистенти
44	Сабилов Жасурбек Олтибоевич	24.01.1990	Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейроразроҳлик кафедраси ассистенти
45	Гайбуллаева Динара Фатхуллаевна	17.01.1968	1-сон акушерлик ва гинекология кафедраси катта ўқитувчиси
46	Акпербекова Ирина Сергеевна	28.01.1985	1-сон акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти
47	Ваисов Адхамжон	06.01.1947	Дерматовенерология кафедраси профессори
48	Назарова Барно Улмасовна	26.01.1977	Дерматовенерология кафедраси ассистенти
49	Гулямов Ёрқин Бахадирович	08.01.1973	Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси катта ўқитувчиси
50	Мирзаахмедов Фаррух Мирадилович	06.01.1989	Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси ассистенти
51	Маматов Хусниддин Рахимович	11.01.1984	Бош энергетик
52	Ильясова Рухсора Илхомовна	01.01.1964	Режа-молия бўлими 1. д. иқтисодчи
53	Азизова Камола Руфатовна	18.01.1979	Тармоқларни бошқариш бўлими бошлиғи
54	Мухсинова Мафтунна Ибрагимовна	12.01.1992	Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими муҳандиси
55	Кан Валентина Михайловна	10.01.1957	Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими муҳандиси
56	Алюшева Закия Тагировна	29.01.1967	Тахририй-нашриёт бўлими корректори
57	Аширова Шахноза Примқул қизи	20.01.1992	Тахририй-нашриёт бўлими муҳаррири
58	Рустамова Сурайё Шахобовна	19.01.1970	Тиббий педагогика факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари
59	Патахова Малика Хусановна	28.01.1974	Даволаш факультетининг Ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти
60	Охунов Алишер Орипович	23.01.1968	Даволаш факультетининг Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси муdiri
61	Саттаров Иноят Сапарбоевич	31.01.1975	Даволаш факультетининг Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси доценти
62	Эшмурзаева Аида Абдуғаниевна	09.01.1977	Даволаш факультетининг Ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти
63	Бердиева Дилфуза Умрзоқовна	27.01.1979	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
64	Алиева Кристина Камилджановна	09.01.1986	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
65	Тошпулатова Мактуба Мухамадали қизи	19.01.1990	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
66	Сатторов Ойбек Тохирович	13.01.1984	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси ассистенти
67	Абдуллаева Мухлиса Масруровна	09.01.1989	Даволаш факультетининг 1-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
68	Исканова Гулшан Холдоровна	04.01.1972	Даволаш факультетининг 2-сон болалар касалликлари кафедраси доценти
69	Қодирова Рано Бердиевна	27.01.1951	Даволаш факультетининг 2-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
70	Шайхова Холида Эркиновна	14.01.1954	Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси профессори
71	Ахунджонов Нозим Абидович	17.01.1969	Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси катта ўқитувчиси
72	Нигматов Ифтихор Обиджон ўғли	23.01.1991	Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси ассистенти
73	Ботиров Абдурасул Жумаевич	08.01.1979	Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси ассистенти
74	Ибодуллоев Зарифбой Ражабович	19.01.1967	Даволаш факультетининг Неврология кафедраси профессори
75	Даминова Хилола Маратовна	26.01.1976	Даволаш факультетининг Неврология кафедраси доценти
76	Мирхамидов Джалол Халилович	16.01.1959	Даволаш факультетининг Урология кафедраси доценти
77	Усмонов Махмуджон Мансурович	09.01.1961	Даволаш факультетининг Хирургик касалликлари кафедраси доценти
78	Муродов Алижон Салимович	02.01.1979	Даволаш факультетининг Хирургик касалликлари кафедраси ассистенти
79	Дадабаева Рано Қудратовна	08.01.1965	Малака ошириш факультетининг УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси муdiri
80	Юсупов Отабек Фирнафасович	20.01.1974	Малака ошириш факультетининг УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси катта ўқитувчиси

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.

